

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2026 йили февраль ойининг 26 куни Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья Ф.Абдушукуров, судья ёрдамчиси Х.Норбоевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тошкент шаҳар Чилонзор туман прокурори ёрдамчиси Х.Олимжонов, судланувчи А.Қурбонов ва унинг ҳимоячиси “World Law” адвокатлик фирмаси адвокати О.Мехмоновнинг иштирокида, Қурбонов Азиз Ибрагимовичга нисбатан № 1-1006-2604/125-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра,

Қурбонов Азиз Ибрагимович (Qurbonov Aziz Ibragimovich), 1984 йил 26 апрель куни Бухоро вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўртамахсус, партиясиз, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, тадбиркор, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Шухрат МФЙ 19-мавзе, 55-уй, 19-хонадонда яшовчи, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 25.12.2025 йилда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Судланувчи Қурбонов Азиз Ибрагимович қасддан баданга оғир шикаст етказиш мақсадида, 2025 йил 11 август куни соат 15:00да, Чилонзор тумани “Шухрат” маҳалласи ҳудудида жойлашган 63-сонли кўп қаватли уй олдида, унинг хонадонидида устачилик фаолияти билан шуғулланиб келаётган Насирддинов Нодир Норбўта ўғли билан хонадонидида таъмирлаш ишлари жуда кўп вақт давом этаётганлигини айтиб, ўзаро гап талашиб, ўрталарида келиб чиққан жанжал натижасида кўрилиш ишларида ишлатилаётган “арматура” темир бўлағи билан Н.Насирддиновнинг ўнг ва чап қўлига ва бел соҳасига ҳамда танасининг турли қисмига бир неча маротаба уриб оғир тан жароҳати етказган.

Ўтказилган суд-тиббий экспертизасининг 12.09.2025 йилдаги 6244-Х Курсонли хулосасига кўра, Н.Насирддиновда “чап қўл елка суяги медиал дўмбоғини тирсак бўғими ичи ёпиқ синиб қониқарли туриши, чап қўл елка ўрта учлиги тирсак бўғими ва чап билак ўрта-юқори учлиги соҳаси, ўнг қўл елка ўрта учлиги ташқи юзаси, чап қўл тшқи-орқа юзаси, ўнг ёнбош соҳаси, чап оёқ сон пастки учлиги ташқи юзаси конталашлари, чап қўл тирсак бўғими орқа юзаси шилинмалари ва юмшоқ тўқималари лат ейши” Бу жароҳатлар ўтмас қаттиқ жисм таъсирида етказилган бўлиб, ОҒИР тан жароҳатлар тоифасига кириши кўрсатилган.



Судланувчи А.Қурбонов суд мажлисида айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қуйидагиларни, яъни ҳақиқатдан ҳам у 2025 йил 11 август куни унинг уйини таъмирлаш билан шуғулланган Насирддинов Нодирни Чилонзор тумани “Шухрат” маҳалласи ҳудудида жойлашган 63-сонли кўп қаватли уй олдига чакриб, унга таъмирлаш ишлари бўйича ваъда қилган муддатидан анча ўтиб кетганлиги бўйича танбех берган вақтида ўзаро жанжаллашиб кетишганлиги ва у ерда ётган “арматура” темир бўлаги билан Нодирни жаҳл устида уриб юборганлигини, ҳозирда зарарни қоплаганлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, тергов жараёнида айбига иқрорлик ҳақидаги келишув тузишга мурожаат қилганлигини, келишувни тузишда унга айбланувчининг процессуал ҳуқуқлари таъминланганлигини, келишув ихтиёрий равишда тузилганлигини, у келишувнинг моҳиятини, унинг шартларини тушунганлигини, унинг оқибатларини англаб етганлигини, ушбу келишувни тасдиқлашини инобатга олиб, унга енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи Н.Насирддинов суд мажлисида қуйидагиларни, яъни ҳақиқатдан ҳам 2025 йил 11 август куни Чилонзор тумани “Шухрат” маҳалласи ҳудудида жойлашган 63-сонли кўп қаватли уй олдида у ва Қурбонов Азиз Ибрагимович ўрталарида хонадонни таъмирлаш муддати чўзилганли юзасидан жанжал юзага келганлигини ва Азиз ерда ётган темир бўлаги билан уни уриб тан жароҳати етказганлигини, ҳозирда судланувчи унга етказилган зарарни қоплаганлигини, ундан кечирим сўраганлигини, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олиб, унга енгиллик беришни сўради.

Судланувчи А.Қурбоновнинг айби, суд мажлисида ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, жиноят ишида тўпланган қуйидаги далиллар, жумладан, айбига иқрорлик тўғрисида келишув ҳақидаги илтимоснома, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси, юзлаштириш баённомаси, қайта суд тиббий экспертизаси хулосаси ҳамда жиноят ишида тўпланган ва суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ текширилган далиллар билан тасдиқланади.

Суд, судланувчи А.Қурбоновнинг жинойий ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериб, унинг содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлган умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоизидан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолишига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказишда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Мазкур жиноят иши доирасида судланувчи А.Қурбонов 23.12.2025 йилда Чилонзор туман прокурори номига “айбига иқрорлик тўғрисида келишув” ҳақидаги илтимоснома билан мурожаат қилган ҳамда айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув имзоланган.

Суд, судланувчи А.Қурбонов билан айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни тузишда айбланувчининг процессуал ҳуқуқлари таъминланганлигини ва ЖПК 586¹-моддасида кўрсатилган талаблар бажарилганлигини, келишув айбланувчи томонидан ихтиёрий равишда тузилганлигини, айбланувчи келишувнинг моҳиятини, унинг шартларини тушунганлигини, унинг оқибатларини англаб етганлигини, судланувчи келишувни қўллаб-қувватлашлигини инобатга олиб, айбга иқрорлик тўғрисида келишувни тасдиқлашни лозим топади.



Суд, судланувчи А.Қурбоновга жазо тури ва миқдорини белгилашда, айбига тўлиқ иқрорлиги ва чин кўнгилдан амалда пушаймонлигини, айбига иқрорлик тўғрисида келишув имзоланганлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57²-моддаси талабларига риоя қилган ҳолда, ЖК 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 466-468, 471,473, 586⁷, 586¹⁰-моддаларига амал қилиб, суд,

Ҳ У К М Қ И Л Д И

Қурбонов Азиз Ибрагимович билан тузилган айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тасдиқлансин.

Қурбонов Азиз Ибрагимовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан ЖК 57-моддасини қўллаб, 2 (икки) йилу 6 (олти) ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

А.Қурбоновга озодликни чеклаш жазосини Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Шухрат МФЙ 19-мавзе, 55-уй, 19-хонадонда ўташ белгиланиб:

-ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки ўқиш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқиш;

-назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

-оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик;

-жиноятга мойиллиги бўлган шахслар билан алоқа ўрнатмаслик каби тақиқлар (чеклашлар) юклатилсин.

Жазо ижросини таъминлаш А.Қурбоновнинг яшаш жойи бўйича ИИО ФМБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш муддати А.Қурбонов жазоларни ижро этиш органида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

А.Қурбоновга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 5 ва 6-қисмлари талаблари тушунтирилсин.

Судланувчи А.Қурбоновга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи ҳукм кўчирма нусхасини олган кунидан бошлаб шу муддат ичида апелляция тартибида шикоят беришга, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят ва протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи судья

(имзо)

Ф.Абдушукуров

Аслига тўғри _____

